



## ТУПРОҚ ШҮРЛАНИШИННИГ ҒҮЗА ҲОСИЛ ШОХЛАРИ БҮГИН ОРАЛИҚЛАРИ ҲАМДА ҲОСИЛ ШОХЛАРИДА ЖОЙЛАШГАН КҮСАКЛАРНИНГ БҮГИН ОРАЛИҚЛАРИ ШАКЛЛАНИШИДАГИ РОЛИ

Улжабоев Алижон Абдуллажонович<sup>1</sup>

Андижон қишлоқ хўжалиги ва  
агротехнологиялар институти доценти қ.х.ф.ф.д,  
Козимжонова Мунисахон Нодиржон қизи<sup>2</sup>

Андижон қишлоқ хўжалиги ва  
агротехнологиялар институти талабаси.

<https://www.doi.org/10.37547/ejar-v03-i02-p2-52>

### ARTICLE INFO

Received: 02<sup>nd</sup> February 2023

Accepted: 10<sup>th</sup> February 2023

Online: 11<sup>th</sup> February 2023

### KEY WORDS

Кучсиз шўрланган майдон, ўртача шўрланган майдон, Султон ғўза нави, ҳосил шохи ва қўсак бўғин оралиқлари.

### ABSTRACT

Андижон вилоятининг кучсиз, ўртача шўрланган ва шўрланмаган тупроқлари шароитида парваришланаётган Султон ғўза навини ҳосил шохларининг бўғин оралиқлари тупроқ шўрланиш даражаси ошиб бориши эвазига, ҳосил шохлари бўғин оралиқлари узайиб бориши, тажрибаларда маълум бўлди. Бундан ташқари қўсаклар орасидаги бўғин оралиқлари ўрганилганда юқоридаги қонуниятга зид равишда шўрланиш ортиб борган сари бўғин оралиқлари қисқарип борди.

**Ғўза ҳосил шохларининг бўғин оралиқлари – 5** та нуқтада ўсимликлар танлаб олиниб, ҳар ойнинг бошида ўлча борилди. Мисол учун 1 та ўсимликда 12 та ҳосил шохи бўлса барча бўғин оралиқлар ўлчаниб ўртачаси чиқарилди. Бунда **шўрланмаган** майдонда етиштирилаётган ғўза ўсимлигининг ҳосил шохлари оралиғи ўртача июнь ойида 3,2 см ни, **кучсиз шўрланган** майдонда бу кўрсаткич ҳам ўртача 3,3 см ни, **ўртача шўрланган** майдонда 3,5 см ни ташкил этди.



**1-расм. Ғўза ўсимлигини ҳосил шохлари бўғин оралиқларини ўрганиш жараёни.**

Маълумотларга кўра ўсимликнинг вегетатив ўрганлари бўлган шохлар тупроқнинг шўрланишига қараб борган сари қўпроқ ўсиши қузатилди. Яъни мақбул шароитда ўсан ғўза ўсимлиги шохлари бўғин оралиқлари июль ойига келиб ўртача 3,9 см ни, кучсиз шўрланган майдонда ушбу кўрсаткич 4,2 см ни, ўртача шўрланган майдонда эса 4,3 см ни ташкил этди.

Шўрланмаган майдонда Август ойида бир туп ғўза ўсимлигига ўртача ҳосил шохлари сони 12 тагача шаклланиб, ушбу ҳосил

шоҳлар оралиғи ўртача 4,64 см ни, кучсиз шўрланган майдонда ҳосил шоҳлар сони 11,6 тагача шакилланиб, ҳосил шоҳлар оралиғи ҳам 4,67 см ни, ўртача шўрланган майдонда ҳосил шоҳлар сони 11,0 тагача шакилланиб, ҳосил шоҳлар оралиғи эса 4,85 см ни ташкил қилганлги аниқланди. **Шўрланган тупроқларда етиширилаётган ғўза ўсимлигининг ҳосил шоҳларида жойлашган қўсакларнинг бўғин оралиғи** – 20 та ўсимлик намуналари танлаб олиниб, тажрибалар олиб борилди. Бунда 1 та ўсимлиқдаги жами қўсаклар оралиқлари ўлчаниб ўртачаси чиқарилди.

**2-расм. Ҳосил шоҳларидаги ғўза қўсаклари бўғин оралиқларини ўрганиш жараёни.**

Шўрланмаган майдонда етиширилаётган ғўза ўсимлиги қўсакларнинг бўғим оралиғи ўртача 7,07 см ни, **кучсиз шўрланган** майдонда бу кўрсаткич ўртача 6,25 см ни, **ўртача шўрланган** майдонда 5,45 см ни ташкил этди. Маълумотларга кўра ўсимликнинг генератив ўрганлари бўлган қўсаклар тупроқнинг шўрланишига қараб турлича бўғин оралиқларини шакиллантиргани маълум бўлди. Яъни мақбул шароитда парваришланган ҳосил шоҳларидаги ғўза қўсаклари бўғин оралиқлари ўртача 4,0 см дан 7,5 см гача бўлган ўсимликлар сони 10 донани, 8,0 см дан 10,5 см гача бўлган ўсимликлар сони ҳам 10 донани ташкил қилди. Кучсиз шўрланган майдонда ушбу кўрсаткич 2,5 см дан 7,5 см гача бўлиб, ўсимликлар сони 15 донани, 8,0 см дан 11 см гача бўлган ўсимликлар сони 5 донани ташкил этди. Ўртача шўрланган майдонда эса 2,0 см дан 6,0 см гача бўлиб, ўсимликлар сони 16 донани, 9,5 см дан 10 см гача бўлган ўсимликлар сони эса 4 донани ташкил килди. Бундан ташқари қулай шароитда ғўза ўсимлиги етиширилганда қўсаклари йирик бўлиб, қўсаклари очилганда 1 чаноқдаги пахта вазни 5,3-5,5 грамни ташкил этган бўлса, шўрланган майдонларда ғўза қўсаклари нисбатан майдароқ бўлиб, 1 чаноқдаги пахта вазни 4,9-5,0 грамни ташкил эди.



Тупроқ таркибидаги турли элементлар ўсимлик ўсиб ривожланишида турхилларига ва нав хусусиятларига қараб турлича таъсир этишини бир неча олимлар томонидан тажрибаларида исботланган. Биз тажрибамизда ҳам тупроқ таркибидаги шўрланиш даражаси ўрганилиб, тупроқ таркибида тузларнинг қуруқ қолдиқ миқдори 0,108-0,157% бўлганда ғўза ҳосил шоҳлари бўғин оралиғи калта, ҳосил шоҳларидаги қўсаклар бўғин оралиқлари узун бўлди, тузларнинг қуруқ қолдиқ миқдори 0,596-0,850% бўлганда деярли қулай шароитда ўсган ғўза ҳосил шоҳлари бўғин оралиқлари билан бир хилда бўлди, аммо тузларнинг қуриқ қолдиқ миқдори 1,102-1,126% бўлганда ғўза ҳосил шоҳлари узун, ҳосил шоҳларидаги қўсаклар бўғин оралиғи калта бўлиши тажрибамизда ўз исботини топди.

Хулоса қилиб айтганда, ўтлоқи соз тупроқларда ғўза ўсимлигининг ҳосил шоҳлари бўғин оралиқлари шўрланиш даражаси ошиб боргани сари бўғин оралиғидаги



масофа ўсиб борса, ҳосил шохларида жойлашган ғўза кўсаклари бўғин оралиқларидаги масофа қисқарип бориши тажрибада қузатилди.

### References:

1. Улжабоев, А. А. (2020). Влияние различной степени засоления почв на всхожесть семян, рост и развитие хлопчатника. *Актуальные проблемы современной науки*, (1), 97-99.
2. Улжабоев, А. А. (2019). Влияние засоления на рост и развитие хлопчатника. In *Advances in Science and Technology* (pp. 18-20).
3. ULJABOEV, A., & Tukhtasinov, A. Effect Of Soil Salinity On Cotton Leaf Development And Defoliation Efficiency. *JournalNX*, 7(02), 368-370.
4. Abdullajonovich, U. A., & Nodirjon, K. M. (2022). Efficiency of Defoliation on Low Salt Fields. *The Peerian Journal*, 5, 1-7.
5. Abdullajonovich, U. A., & Mamurjan O'g'li, O. A. (2022). Effect Of Soil Salinity On Cotton Leaf Development And Weight Change. *Eurasian Research Bulletin*, 14, 287-289.
6. Улжабоев, А., Зайнобидинова, Г. Б., Якубова, З. А., & Зайнобидинов, Б. З. (2016). ПРЕИМУЩЕСТВО ПОВТОРНОГО ПОСЕВА БОБОВЫХ КУЛЬТУР ПОСЛЕ ОЗИМОЙ ПШЕНИЦЫ. In *Современные тенденции развития аграрного комплекса* (pp. 388-389).